



Theoretical issues of ensuring control and verification of compliance with workers' labor rights

Javokhir TURAEV¹

Tashkent State University of Law

ARTICLE INFO

Article history:

Received August 2024

Received in revised form

15 September 2024

Accepted 25 September 2024

Available online

15 October 2024

Keywords:

labor rights,
state control,
labor legislation,
inspection,
employee,
constitution,
occupational safety,
labor process,
labor activity.

ABSTRACT

This article analyzes theoretical approaches and their characteristics based on methods of control and verification of compliance with workers' labor rights. Additionally, a scientific analysis of legal scholars' theoretical perspectives is conducted, emphasizing the differences between the institutions of "control and verification of compliance with occupational safety requirements" and "control and verification of compliance with workers' labor rights".

2181-1415/© 2024 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol5-iss10/S-pp85-92>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувни таъминлашнинг назарий масалалари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

меҳнат ҳуқуқлари,
давлат назорати,
меҳнат қонунчилиги,
текширув,
ходим,
Конституция,
меҳнат муҳофазаси,
меҳнат жараёни,
меҳнат фаолияти.

Ушбу мақолада ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувда қўлланиладиган усуллар асосида қуйидаги назарий ёндашувлар ва уларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган. Шу билан бирга, ҳуқуқшунос олимларнинг назарий қарашлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳолда “меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институти “ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув”дан ажралиб турувчи хусусиятлари очиқ берилган.

¹ Independent applicant, Tashkent State University of Law

Теоретические вопросы обеспечения контроля и проверки соблюдения трудовых прав работников

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

трудовые права, государственный контроль, трудовое законодательство, проверка, работник, конституция, охрана труда, трудовой процесс, трудовая деятельность.

В данной статье проанализированы теоретические подходы и их особенности, основанные на методах контроля и проверки соблюдения трудовых прав работников. Наряду с этим, проведен научный анализ теоретических взглядов правоведов, с акцентом на различия между институтом «контроля и проверки соблюдения требований охраны труда» и «контроля и проверки соблюдения трудовых прав работников».

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувни таъминлаш усуллари амалга ошириладиган йўналишлар борсида олимлар томонидан турлича назарий ёндошувлар ишлаб чиқилган.

Бунда ҳар бир назарияда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувда қўлланиладиган усуллар асосида қуйидаги назарий ёндошувлар илгари сурилади:

а) тартибга солиш ёндошуви. Ушбу назарияда меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат қилишда давлат ва унинг институтлари ролига асосий эътибор қаратилади [1];

б) Ижтимоий ёндошув. Бунда меҳнат қонунчилигида белгиланган меҳнат нормалари ва стандартларига меҳнат жамоалари томонидан риоя этиш аҳволи таҳлил қилинади. Шу билан бирга, иш берувчилар, ходимлар ва давлат органлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик билан боғлиқ масалалар ҳам тадқиқ этилади [2];

в) ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган ёндошув. Ушбу ёндошув ходимларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиб, меҳнат қонунчилигига риоя этилиши устидан назорат механизмларини таҳлил қилади.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган ёндошувнинг ўзида ҳам олимлар ўртасида хилма-хил қарашлар мавжуд бўлиб, бунда қуйидаги бир қатор омиллар билан изоҳлаш мумкин:

– турли давлатларда меҳнат қонунчилиги бир-биридан ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради ва бу ҳолат бевосита ходимлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳам таалуқдир. Масалан, Буюк Британияда барча меҳнат ҳуқуқлари меҳнат муносабатларининг бошланишида ҳам ҳимояланмаган бўлиб, бунда ходимларни ноқонуний ишдан бўшатишдан ҳимоя ҳуқуқи фақат тегишли ходим меҳнат шартномаси асосида икки йил ишлагандан сўнггина қўлланилади [3];

– олимлар томонидан билдирилган назарий ёндошувлар турли макон ва жамиятда, у ёки бу ҳодисалар таъсирида шаклланган бўлиб, уларнинг субъектив фикрини ифодалайди. Масалан, ҳуқуқшунос олим Э.Элёт иш берувчилар ходимларни ҳеч қандай тартиб-таомилларсиз ишдан бўшатишлари мумкин деган ғояни илгари сураётган экан, у ўзининг бундай ёндошувини иш берувчилар мазкур имконият орқали кўпроқ ҳаракат эркинлигига эга бўлишлари, янги ходимни ёллашлари мумкинлиги, бу

ўз навбатида иқтисодий қийинчиликлар пайтида ишсизликни камайтиришга хизмат қилиши билан асослайди [4].

Гувоҳ бўлганимиздек, олимлар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширув билан боғлиқ бир қатор назарий ёндошувлар ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг ҳар бири бошқасидан ўзига хос хусусиятларига кўра ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, 2023 йилнинг 30 апрел куни умумхалқ референдумида янги таҳрирда қабул қилинган Конституциямизда меҳнат ҳуқуқлари билан боғлиқ муҳим нормалар киритилди. Бунда янги таҳрирдаги Конституцияда фуқароларнинг асосий меҳнат ҳуқуқларига оид нормалар доираси янада кенгайтирилди.

Жумладан, Конституциянинг 42-моддасида аввалги таҳрирдаги Асосий қомусимиздан фарқли равишда ҳар кимга меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш ҳуқуқи кафолатланди.

Мазкур норманинг киритилиши давлат зиммасига ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича назорат ва текширувни амалга оширишда ходимнинг ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда меҳнатига ҳақ олаётганлигига алоҳида эътибор қаратиш мажбуриятини юклади.

Қолаверса, Асосий қомусимизнинг 44-моддасида мустаҳкамланган янги қоидага мувофиқ болалар меҳнатининг боланинг соғлиғига, хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай шакллари тақиқланиши мустаҳкамланди.

Бу эса, ходим сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган болалар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан самарали назорат ва текширувни таъминлаш вазифасини давлатнинг ваколатли органлари зиммасига юклашни тақозо этмоқда.

Ўз навбатида янги таҳрирдаги Конституцияга меҳнат ҳуқуқлари доирасининг кенгайтирилиши билан боғлиқ нормаларнинг киритилиши ушбу соҳадаги қонунчиликка риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувга оид назарий қарашларни қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан таҳлил қилишни тақозо этади.

Шу ўринда тушунча сифатида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича назорат ва текширув атамаларига берилган назарий таърифларга тўхталиб ўтсак.

Таъкидлаш жоизки, айрим юридик адабиётларда меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича назорат ва текширувга бир-биридан мустақил бўлган институт сифатида ёндошилади.

Жумладан, бир гуруҳ миллий ҳуқуқшунос олимлар томонидан ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши бўйича назорат тушунчасига “меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат” сифатида қаралади. Бунда меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назоратга ваколатли органлар ва жамоат органлари томонидан ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида амалга ошириладиган махсус фаолият тури сифатида таъриф берилади[5].

Юқорида келтирилган таърифда меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назоратдан кўзланган асосий мақсад сифатида ходимлар меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш келтириб ўтилади.

Бизнингча, қайд этилган таърифда меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назоратдан кўзланган асосий мақсадга фақат ходим нуқтаи-назаридан ёндошиш билан чекланилган.

Ваҳоланки, Меҳнат кодексининг 2-моддасида белгиланган меҳнат кодексининг асосий вазифаларидан бирини нафақат ходим балки, иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳамоя қилинишини таъминлаш ташкил қилади.

Шу нуқтаи-назардан, меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назоратдан кўзланган асосий мақсад сифатида меҳнат муносабатлари соҳасида қонун устуворлигини таъминлашни назарда тутиш мақсадга мувофиқ.

Яна бир масала. Юқорида келтирилган таърифда меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат тушунчасига махсус фаолият тури сифатида изоҳ берилган бўлсада, бунда махсус фаолият нималарда намоён бўлиши, қандай мезонлар асосида махсус фаолият сифатида эътироф этилишига аниқлик киритилмаган.

Меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат тушунчасига юқоридагига айнан ўхшаш таъриф бошқа бир гуруҳ миллий ҳуқуқшунос олимларнинг асарларида ҳам учрайди.

Шу билан бирга, мазкур олимлар меҳнат қонунлари бажарилиши устидан назорат фаолиятининг аҳамияти ваколатли давлат органлари ва у вакил қилган шахслар томонидан меҳнат қонунлари бузилишининг олди олинишда, бузилган ҳуқуқлар тикланишда, айбдор бўлган тегишли мансабдор шахслар ҳуқуқий жавобгарликка тортилишида намоён бўлади деган хулосани илгари сурадилар[6].

Меҳнат муҳофазаси борасида махсус тадқиқот олиб борган яна бир гуруҳ миллий олимлар ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назоратнинг меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришдаги муҳим функция бўлиб, у ўз ичига қуйидагиларни олади деган хулосага келадилар:

- иш жойлари ҳолати ва уларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига мувофиқлиги;
- меҳнат ва меҳнатни муҳофаза қилишга оид қарорлар, норматив ҳужжатлар, давлат стандартлари ва қоидаларга риоя қилиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишни бошқаришга бошқаришга оид вазифаларни амалга ошириш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ўз вақтида ва тўғри текшириш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга оид буйруқ, фармойиш, кўрсатмалар, ялпи, жорий ва тезкор режалардаги тадбирларни бажариш;
- меҳнатни муҳофаза қилишга ажратилган маблағлар харажатларининг тўғрилиги[7].

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган олимлар асарида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат тушунчасига берилган бирорта тарифни учратмаймиз.

Ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширув тушунчаларига бўлган ўзига хос ёндошувни ҳуқуқшунос Е.А.Соколовда ҳам учратамиз. Ушбу ҳуқуқшунос олим ўз асарида ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларига риоя қилиниши бўйича назорат ва текширувга ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳамоя қилишнинг элементи сифатида қарайди.

Бунда у ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳамоя қилиш тизимини икки гуруҳга ажратиб, биринчи гуруҳга меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларига ва

меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя қилинишини текширувчи ва назорат қилувчи органларни, иккинчи гуруҳга эса, якка меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органларни киритади[8].

Шу билан бирга, Е.А.Соколов ўз асарида ходимларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилишда текшириш ёки назорат қилиш тушунчаларига назарий таъриф бермасдан, ушбу соҳадаги ваколатли давлат органларини санаб ўтиш билан чекланади.

Айрим миллий ҳуқуқшунос олимлар ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга мустақил институтлар сифатида қарамайдилар. Бунда ушбу олимлар мазкур институтга ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини назорат қилиш доирасида амалга ошириладиган ҳаракат сифатида баҳо берадилар.

Жумладан, мазкур олимлар меҳнат қонунларига риоя қилишни назорат қилиш ваколатли орган томонидан амалга ошириладиган текшириш ишларидан иборат бўлиб, бунда иш берувчи, унинг вакили қарорлари, фармойишларининг қонунийлиги текшириб чиқилади деган хулосага келадилар [9].

Меҳнат ҳуқуқи бўйича атоқли миллий ҳуқуқшунос олим А.Иноятов ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилиш бевосита меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнат қонунчилигига риоя этилишини назорат қилишга доир ҳуқуқий муносабатларнинг элементи сифатида ёндошади.

Бунда. А.Иноятов меҳнат муҳофазаси инсоннинг меҳнат жараёнидаги хавфсизлиги, сиҳат-саломатлиги ва иш қобилиятининг сақланишига қаратилган турли тадбирлардан иборатлигини, бу борадаги қонун-қоидаларнинг асосий мақсади фуқароларнинг соғлиғи ҳамда уларнинг меҳнатини муҳофаза қилишга қаратилган деган хулосага келади[10].

Бизнингча, миллий ҳуқуқшунос олим А.Иноятовнинг ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга меҳнатни муҳофаза қилиш институти билан боғлаган ҳолда ўрганишининг асосий сабаби дастлаб 1993 йил 6 майда қабул қилиниб, кейинчалик 2016 йил 22 сентябрда янги таҳрирда қабул қилинган “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун билан боғлиқдир.

Жумладан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасига меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ҳамда воситалари тизими сифатида таъриф берилган [11].

Қолаверса, юқорида қайд этилган қонуннинг 28-моддаси айнан меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви билан боғлиқ муносабатларга бағишланган [11].

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилишини текшириш ва назорат қилишга меҳнат муҳофазаси чораси сифатида қараш ҳолатини бошқа миллий ҳуқуқшунос олимлар асарларида ҳам учратиш мумкин [12].

Бироқ, ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширувнинг моҳиятини тўғри ва тўлиқ тушуниш учун назорат ва текширувнинг ушбу тури айнан меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув институти билан фарқ қилиш қилмаслигига аниқлик киритиш талаб этилади.

Бунда “меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институти меҳнатни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Бунда “меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институти меҳнатни муҳофаза қилиш билан бевосита боғлиқ ҳисобланади.

Шу ўринда амалдаги қонунчиликда меҳнат муҳофаза қилиш тушунчасига нисбатан ёндошувни таҳлил қилсак. Амалдаги “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 4-моддаси ва Меҳнат кодексининг 351-моддасида меҳнатни муҳофаза қилиш тушунчасига таъриф берилган бўлиб, унга кўра меҳнатни муҳофаза қилиш меҳнат жараёнида инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга доир ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена, даволаш-профилактика, реабилитация тадбирлари ва воситалари тизими ҳисобланади.

Гувоҳ бўлганимиздек, меҳнатни муҳофаза қилиш бевосита меҳнат жараёни билан боғлиқ бўлиб, фақатгина инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган бўлади.

Шу билан бирга, “меҳнат жараёни” тушунчаси деганда нимани тушуниш лозим ва у ўз ичига қайси даврни олади деган ҳақли савол пайдо бўлиши мумкин.

Бироқ, амалдаги меҳнат қонунчилигида “меҳнат жараёни” тушунчасига таъриф берилмаган, ушбу тушунча билан боғлиқ атамалар турлича шаклларда қўлланилганлиги бизга мазкур тушунчага нисбатан ягона ёндошиш имконини бермайди.

Жумладан, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонунда мазмунан “меҳнат жараёни” тушунчасини англатиши мумкин бўлган “ишлаб чиқариш жараёни”, “меҳнат фаолияти жараёни”, “иш жараёни” ва “технологик жараёнлар” сўзлари қўлланилган.

Меҳнат кодексига ҳам “меҳнат жараёни” тушунчасига мазмунан яқин бўлган кўплаб, жумладан “меҳнат фаолиятини амалга ошириш жараёни”, “ишлаб чиқариш жараёни”, “иш жараёни”, “меҳнат фаолияти жараёни”, “меҳнат шартномасини амалга ошириш жараёни” каби тушунчалардан фойдаланилган [13].

Бундай шароитда “меҳнат жараёни” тушунчаси борасида ягона таъриф ишлаб чиқиш мумкин бўлмасада, шартли равишда меҳнат шартномасига мувофиқ меҳнат фаолиятини амалга ошириш пайти сифатида изоҳлашимиз мумкин.

Шундай экан, “меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув” тушунчаси бевосита меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқдир.

Қолаверса, меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ назорат ва текширув ҳар қандай талабларга риоя этилиши эмас балки, айнан қонунчиликда белгиланган меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширувни назарда тутилади.

Бунда ходимлар меҳнат фаолиятларини амалга ошираётган вақтларида уларнинг қонунчиликдаги меҳнатни муҳофаза қилиш билан боғлиқ талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув доираси ходимлар ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширувга нисбатан тор эканлиги намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Қонун

28-моддаси меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текширувига бағишланган бўлиб, унда назорат ва текширувнинг ушбу тури Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилади [11].

Меҳнат кодексининг 534-моддасига биноан меҳнат тўғрисидаги қонунчиликка, меҳнат ҳақидаги бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, шунингдек бошқа давлат органлари томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, “меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институти “ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув”дан қўйидаги жиҳатлари билан ажралиб туради деган хулосага келамиз:

1) амалга ошириш мақсадига кўра. Бунда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув фақатгина инсоннинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи, иш қобилияти сақланишини таъминлаш мақсадида амалга оширилади.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширувни амалга ошириш мақсадига нисбатан муайян чеклов назарда тутилмаган.

2) татбиқ этиладиган даврига кўра. Бунда меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан назорат ва текширув меҳнат фаолиятини амалга ошириш мобайнида амалга оширилади.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширувни амалга ошириш ходимнинг бевосита меҳнат фаолиятини амалга ошириш пайти билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин. Масалан, ходим томонидан фойдаланилмаган асосий таътил учун компенсация ҳуқуқи бузилган ҳолатлар унинг бевосита меҳнат фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаслиги ҳам мумкин.

3) назорат ва текширувни амалга оширадиган органнинг чекланганлигига кўра. Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширувни амалга ошириш фақатгина Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари томонидан амалга оширилади.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув эса, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигидан ташқари, бошқа ваколатли давлат органлари томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин. Бундай органларга мисол сифатида прокуратура органларини ҳам келтириш мумкин.

4) назорат ва текширувни амалга ошириш асосига кўра. Амалдаги қонунчиликка мувофиқ меҳнатни муҳофаза қилишга оид талабларга риоя этилиши устидан давлат назорати ва текшируви Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлайдиган низомга мувофиқ амалга оширилади.

Ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув эса, фақат Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган низом билан амалга оширилмайди.

Бунда ушбу турдаги назорат ва текширувни амалга оширишга бағишланган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар доираси кенг бўлиб, улар жумласига Меҳнат кодекси,

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларини ҳам киритиш мумкин.

Юқорида санаб ўтилган асослардан келиб чиқиб, “ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институти ҳажман ва шаклан “ходимлар меҳнат ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ва текширув” институтига нисбатан кенг тушунча бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Боброва Т.В. Государственный контроль за соблюдением трудового законодательства: проблемы и пути решения. Диссертация на соискание ученой степени кандидата юридических наук. – Москва, 2019.
2. Петров И.С. Роль социальных норм в регулировании трудовых отношений. Диссертация на соискание ученой степени кандидата социологических наук. – Москва, 2021.
3. The Employment Rights Act 1996 of the United Kingdom. <https://www.politics.co.uk/reference/employment-rights-act-1996/>
4. Элизабет Эйлотт. Меҳнат ҳуқуқи. Амалиётга кириш. – Тошкент, 2023 й. – 24 б.
5. Tursunov Y., Usmanova M. Mehnat huquqi. – Toshkent, 2006 y. – 213 b.
6. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. – 127 б.
7. Исрайлов Б.А., Д.С.Атажанова. Меҳнатни муҳофаза қилиш ва уни ҳуқуқий тартибга солиш. – Тошкент, 2012 й. – Б. 53.
8. Соколов Е. А. Меҳнат ва ҳуқуқ ёки корхоналар ходимлари ўз меҳнат ҳуқуқи ва кафолатларини қандай ҳимоя қилишлари керак. – Тошкент, “Тугон-Иқбол”, 2009 й. – 454. Б.
9. Меҳнат ҳуқуқи. Дарслик. Муаллифлар жамоаси. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018. – 127 б.
10. Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёт уйи. – Тошкент, 2002 й. – Б.81.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/3031427#3031432>
12. Mehnat huquqi. Darslik. – T.: TDYU nashriyoti, 2021. – 208 b.
13. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. <https://lex.uz/docs/6257288#6265448>